

Чилонзор туманида жойлашган 195-умумтаълим мактаб қошидаги «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгашин томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақилликнинг йигирма бир йиллиги муносабати билан «21 йил эзгулик, бахт ва орзулар рӯёби» мавзусида расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

ОРОМГОҲДА РАСМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Кўргазмага кўйилган расмларда ўзбек эстрада юлдузлари, «Ниҳол», «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-тандовида голиб чиқкан санъаткорларнинг оиласий ҳаётни, фаолияти, уларнинг мустақиллик йилларида қад ростлаган бино ва иншоотлар атрофида ташкил этилган кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этетган жараёнлари малакали мутахассис фотосуратчилар томонидан акс этирилган.

Оромгоҳда ташкил этилган расмлар кўргазмасида жами 26 та санъат асари намойиш этилиб, ҳар бир асарнинг ўз мазмун-моҳияти бор. Ўзбекистон халқ артисти Муноҳот Йўлчиевнинг пойтахтимиз бош майдонидаги «Мустақиллик ва эзгулик аркаси»да ўзбек миллий чолгу асбоби бўлган дуторда кўй чалаетгани, Ўзбекистон халқ артисти Гуломжон Ёкубовнинг «Ўзбекистон Анжуманлар саройи»га викор билан «Дўстлар, менинг юртими ўзбекистон дейдилар» дея қараб тургани, ёшларимизнинг севимли «Давр эстрада гўруҳи аъзолари эса узумзорда бобедеҳонга ҳосилни йиғига кўмаклашётгани, ёш эстрада хонандалари Ойбек ва Нигоранинг «Миллий кутубхона» ва «Симпозиумлар саройи» курилишида курувчилар либосида усталарга кўмаклашётгани ва бошқа кўринишдаги фотосуратларни ёшларимиз зўр қизиқиши билан томоша қилишди.

Отабек ОТАЁРОВ

Фасллар орасида ёзниң ўрни ўзгача бўлади. Қуёшнинг нуридан товланиб мевалар гарқ пишиб, кўзни қувонтиради ва аста-секин ўз ўрнини олтин куз фаслига бўшатади. Бу вақтда болалар ёэги таътилларда, ота-оналар ҳам тоглик жойларга, сув бўйларига мароқли дам олишига чиқиб кетадилар.

«101»

АТРОФ-МУҲИТИНӢ АСРАЙЛИК

Ҷошишниң шаббода ҳамда кўёшнинг жазира маисида кўнгиллигида дарахт барглари узилиб, ўтлар курий бошлади. Қарабисиз, дарахт шохлари ва ўт-ўланлар ерга гиламдек тўшалади ва ўтлар куриб шох-шаббалар билан араплашиб кетади. Минг афсуси, маҳалла худудлари йигилиб колган бу куруқ ўтлар ва шох-шаббалар туман ободонлаштириш хизмати ходимлари томонидан тўплансада ҳар доир ҳам уларни ўз вақтида йигилиб колган жойлардан олиб чиқиб кетишига эришилмайди. Энг ёмони шундаки, тўплансада шох-шаббалар, куруқ ўтлар ва чиқиндилар ўйинкарок болалар ёки ўтиб кетаётган фуқаролар томонидан сигарата қолдигуни ташлашган ҳолда ёкиб юборилади. Қўпгина ҳолларда шундай воқеалар кўнгилсизликларни келтириб чиқармокда. Мисол тарикасида шуни айтиб ўтиш жоизидир.

Жорий йилнинг 3 июль куни Ҳамза тумани, Авиасозлар 4-даҳаси, 72-йил ол-

дида 50 квадрат метр майдонда куруқ ўт ва шох-шаббалар ёнганди. Шунингдек, 5 июль куни Тузел 2-даҳаси, 16-йил олдида ҳам 50 квадрат метр очиқ майдонда шох-шаббалар ёкиб юборилган. Нам, куруқ ўтлар, шох-шаббалар ва чиқиндилар тез ёниб кетмасдан ўзидан аччиқ тутун чиқариди узоғ тутаб ётиб, нафақат борликини заҳарлаган, балки беморларнинг кўлайшига, айниқса астма касаллигига мубтало беморларнинг нафас олишига кийналишларига қаттиқ тасир килган.

Юқорида келтирилган каби кўнгилсизликларнинг содир бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунинг учун ҳар биримиз ўзимизнинг оддий фуқаролик бурчимизни баҳариб, аввало мавжуд шох-

шаббалар ва ўтларни маҳсус жойларга олиб бориб жойлаштириш ёхуд ёнмайдиган жойларга ташлашга бош-қош бўлсак, кўчада юрган болаларнинг ўйинкароп хатти-харакатларни лоқайд бўлмаск, бир сўз билан айтганда ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидларига риоя килишини таъминласак, тўлиқ ишонч билан айтиши мумкини, ўзимиз ва фарзандларимиз хавфсизлигини таъминлаган бўламиш.

Ҳамза тумани ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бўлими яна бир бор эслатиб ўтади, ёнгинни ўчиришдан кўра, оддини олиш осондир.

**Жамшид ЮСУПОВ,
Ҳамза тумани ИИБ
ЁХБ кичик инспектори,
сафдор**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМИГИ

Мусобақалар

ОИЛАВИЙ СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Шаҳримиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллигига бағишилаб Тошкент шаҳар ҳоқимлиги, пойтахт Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигига «Спорт ва санъат – наркомания ва диний экстремизмга қарши» акцияси доирасида «Оиласий спорт – саломатлик гарови» шиори бўйича «Спорчилар сулоласи» маданий-маърифий ва спорт тадбири ўтказилди.



Хотин-қизлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, соглом турмуш тарзига амал қилиш, аёлларнинг спорт билан шуғулланышлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган мусобақаларда шаҳримизнинг Чилонзор, Яккасарой, Учтепа, Олмазор ва Мирзо Улугбек туманларида истиқомат килювчи турли касблар соҳиби бўлган бир-бирига яқин қариндош хотин-қизлардан тузилган жамоалар ўртасида спортнинг стол тенниси, шахмат, шашка, пневматик куролдан ўқ отиш, дартс, эста-

фета ўйинлари каби турларидан беллашувлар ўтказилди.

Мусобақа бошланиши билан Чилонзор тумани хотин-қизлари олга интилиб, юқори натижаларни кўрсатиши. Яъни, шашка ва стол тенниси мусобақаларида улар барча рақибларни додга қолдирдилар.

Энг яхши натижаларни кўрсатетган мусобақа қатнашчиларидан бири – Чилонзор туманинг 280-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Лариса Голова биз билан сұхбатда спорт билан балалигидан бошлаб шуғулланётганини таъкидлаб, у сихат-саломатлигини таъминлаётгани, ҳаётга нис-

батан қизиқиш ўйфотаётгани, кўплаб дўстлар ортиришга ёрдам берганини айтиб ўтди.

Беллашувлар якунланганидан сўнг, ҳакамлар ҳисоб-китобига кўра, биринчи ўрин Чилонзор тумани терма жамоаси эгаллагани маълум бўлди. Фахрли иккинчи ўрин Олмазор тумани хотин-қизларига, учинчи ўрин эса Яккасарой тумани хаваскор спортчиларига насиб этиди.

Мусобақанинг голиб ва совриндорлари медаллар ва дипломлар билан тақдирланди.

**Дилмурад ИСМОИЛОВ
Алексей Попов олган сурат**

Спорт янгиликлари

* * *

Хабар қилинганидек, футбол бўйича ФИФА рефери, Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳаками, ҳамюртимиз Равшан Эрматов етакчилигидаги ҳакамлар бригадаси – Абдуҳамидуллоҳ Расулов ва Баҳодир Кўчкоровлар Буюк Британия пойтахти – Лондон шаҳрига жўнаб кетиши.

Гап шундаки, китъамизнинг энг яхши ҳаками Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчилари Абдуҳамидуллоҳ Расулов, Баҳодир Кўчкоровлар саноқли кунлардан кейин Лондонда бошланадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг футбол мусобақаларини бошқаришиади. Учрашувларни Равшан Эрматов бош ҳакам сифатида бошқарса, Абдуҳамидуллоҳ Расулов ва Баҳодир Кўчкоров қанотларда унга ёрдам бериди.

Маълумки, 2014 йилнинг январь ойида футбол бўйича 22 ёшли чарм тўп усталаридан таркиб топган терма жамоалар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирга мезбонлик қилиш ҳуқукини Осиё футбол қонфедерацияси ташаббуси билан Уммон давлатига берилди. Китъамизнинг энг кучли жамоалари иштирок этадиган ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам голиблик учун кураш олиб боради. Кўпгина мутахассисларнинг фикрича, юртошларимиз совринли ўйинлардан бирига яққол даъвогар ҳисобланмоқда.

Акбар ЙУЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOGI» ФИЛИАЛИ

2012 йилнинг 1 август санасидан бошлаб телекоммуникациянинг куйидаги айрим универсал хизматлари учун янги тарифлар амала киритилишини маълум қиласди:

Умумфойдаланишдаги маҳаллий телефон тармоғи хизматлари учун тарифлар

ХИЗМАТ ТУРЛАРИ	Тўлов майдори. сўмда					
	Бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар		Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар		Ахоли	
	абонент	вақтбай	абонент	вақтбай	абонент	вақтбай
	тўлов	тўлов	тўлов	тўлов	тўлов	тўлов
	тизими	тизими	тизими	тизими	тизими	тизими
	бўйича	бўйича	бўйича	бўйича	бўйича	бўйича
Якка тартибда симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган асосий телефон тармоғига уланган асосий телефон аппаратидан фойдаланганини учун абонент тўлови						
шахар телефон тармоғида	2050	2000	3900	3035	2035	1540
кишлак телефон тармоғида	970	670	2400	1700	963	650

Белгиланган абонент тўлови ва сўзлашувларнинг ўрнатилган бир ойлик 180 дакика лимитидан ташқари, абонент томонидан шахсий фойдаланишдаги (телефон тармоғига абонент линияси орқали уланган) телефондан амалга оширилган сўзлашувнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқсиз дакика учун вақтбай тўлови 6,0 сўм майдорида белгиланди.

Хизматлар лицензияланган

ОЗ-ОЗ ЎҒЛАНИД ҲОМО БЎЛУР

МАШРИҚЗАМИН – ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Кимнинг яхшилиги ўтади, кимнинг ёмонлиги.

Баъзи қувончларнинг умри қисқа бўлади.

Ҳар дакиқа совуқ хабар кутиб яшадан ҳам оғир азоб йўқ.

Баъзилар оғир ва мураккаб қисмат соҳиби бўлишади.

Бирори мухокама қилиш осон – мард бўлсанг, ўзингни ўзинг таҳлил кил.

Ҳамма нарса асабий одамнинг асабига ўйнайди.

Ота-она учун фарзандининг заволини кўришдан ҳам ортиқ фожиа бўлмайди.

Бирорга ақл бўлиш осон.

Қарғиши айланни келиб ўзингта уради.

Йўлга кўйиб олсанг, ҳамма иш ҳам осон кечади.